

Қува туман ҳокимлиги Ахборот хизматининг “Ҳокимлик мансабдори уйи гулқоғозда безалмоқда, оддий аҳолига “шпалклёвка” ҳам бўлаверади” мавзусидаги мақоласига БАЁНОТИ

Сўнгги кунларда телеграм ижтимоий тармоғининг “@sizdantelegram” канали орқали кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган “Ҳокимлик мансабдори уйи гулқоғозда безалмоқда, оддий аҳолига “шпалклёвка” ҳам бўлаверади” мавзусидаги мақола юзасидан ўрганиш ва суриштирувлар олиб борилди. Аниқланишича Қува туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “2019 уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4028-сонли қарорига асосан “Гўзал” МФЙ Тинчлик қўчасида 2 дона 4 қаватлик 48 та хонадонлик кўп қаватлик уй-жойлар қуриш учун ер майдони ажратилиб, “Кафолат” ХИЧКК, “Перфект капитал” МЧЖ пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Туман ҳокимлиги бош мутахассиси Аҳмаджонов Солижон Латибжонович “Кафолат” ХИЧКК пудрат ташкилоти томонидан қуриб битказилётган уй-жойлардан бирига 13 млн. 600 минг сўм бошланғич бадал суммасини шакллантирган ҳолда тўловни амалга оширгани маълум бўлди.

С.Аҳмаджоновнинг яшаш шароити ўрганилганда 3 та оила 10 сотихлик ер майдонида бирга яшаётганлиги, шунингдек С.Аҳмаджоновнинг ота-онаси 1991 йил 28 майда туғилган Фофуров Фурқатжонни онаси вафот этиб, отаси жазони ижро этиш муассасасига тушиб қолганлиги сабабли 1998 йилда Ф.Фофуровни асраб олишгани ва Ф.Фофуровнинг оиласи ҳозирда уй-жойга муҳтоҷлиги маълум бўлди. Ҳозирда Ф.Фофуров ишсизлиги ва ойлик маош кўрсата олмаганлиги сабабли иш ҳаққи кўрсатилган ҳолда С.Аҳмаджонов номига шакллантирилганлиги аниқланди. С.Аҳмаджонов томонидан юқорида кўрсатилган уй-жой ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан шакллантирилганлиги аниқланди.

**Қува туман ҳокимлиги
Матбуот Хизмати**

2019-12-19 17:29:34